

**ТҮЛАГОНОВА ШАҲНОЗА**

ўқитувчи, ТДШУ

**Стереотип бирликларда маъно кўчиш ҳодисаси**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-07>

**Аннотация.** Уибу мақолада қадимги туркӣ битиглардаги стереотип бирликларнинг маъно хусусиятлари ҳақида сўз боради. Мазкур бирликларнинг фаолиги улар ташиётган маъно билан боғлиқ. Стереотип бирликларда маъно кўчиши ҳодисаси учрайди. Кўчма маъно айрим сўзлар асосида юз бермайди, бу бирликлар бутунича, яхлит сўзлар таркибининг барчаси йигитиб мажсозий маънога хизмат қиласиди. Шу билан бирга айрим бирликларда полисемия ҳам кузатилади. Стереотип бирликларнинг бу хусусияти тил материали сифатида фразеологик бирликларга ўхшаб кетади. Мақолада Стереотип бирликлар таркибидаи лексемаларнинг номинатив ва коннотатив маънолари ёритиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Қадимги туркӣ тил, туркӣ битиглар, стереотип бирликлар, сема, кўчма маъно.

**Аннотация.** Вданной статье рассматриваются семантические особенности стереотипных единиц в письменные памятники. Активность этих единиц зависит от значения, которое они несут. Феномен смещения значения происходит в стереотипных единицах. Переносное значение не возникает на основе определенных слов. Эти единицы в целом, весь состав целых слов, объединяются и служат переносному значению. Полисемия также наблюдается в некоторых единицах. Эта особенность стереотипных единиц напоминает фразеологизмы как языковой материал. Изучается номинативные и коннотативные значения лексем в составе стереотипной единицы.

**Опорные слова и выражения:** Древнетюркский язык, древнетюркские письменные памятники, стереотипные единицы, сема, переносное значение.

**Abstract.** This article discusses the semantic features of stereotypical units in old Turkic text's. The activity of these units depends on the meaning they carry. The phenomenon of meaning shift occurs in stereotypical units. The figurative meaning does not occur on the basis of certain words. These units as a whole composition of the whole words, come together and serve a figurative meaning. Polysemy is also observed in some stereotypical units. This feature of stereotypical units resembles phraseological units as linguistic material. The nominative and connotative meanings of lexemes are studied within the stereotypical units.

**Keywords and expressions:** old Turkic language, old Turkic text's, stereotypical units, sema, figurative meaning.

**Кириш.** Дунё туркологлари томонидан қадимги туркӣ битиглар борасида адабиётшунослик ва тилшунослик жиҳатидан салмоқли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда қадимги туркӣ битиглардаги стереотип бирликлар юзасидан айрим фикрлар ўргатага ташланга бошлади. Бироқ аксар тадқиқотларда уларга адабий анъана маҳсули сифатида қаралган. Мавжуд илмий ишларда стереотип бирликлар турдош ҳодисалар билан умумлаштириб ўрганилган. Стереотип бирликларни тилшунослик аспектида, хусусан, маъно кўчиш хусусиятларини ўрганиш бирликларнинг ифода имкониятларини очиб беришга хизмат қиласиди.

**Методлар.** Мақолада кўтарилган муаммони ёритишда қиёсий-тарихий, семантико-стилистик, анализ-синтез, каби таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Маълумки, маъно кўчиши ҳодисаси кўпинча тилнинг лексик бирликларида учрайди. Бу ҳодиса фразеологизмлар учун ҳам хосдир. Баъзан контекст талаби билан бадиий матнлар синтактик бирликларида маъно кўчиши содир бўлади. Қадимги туркӣ битигларда кечган стереотип бирликларда ҳам маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади.



Маъно билан боғлиқ фикрлар баёнида сўз семантик структураси, ундаги денотатив ва коннотатив маънолар тўғрисида гапирилади. Масалан, А.Хожиевнинг «Тилшунослик терминлари изоҳли лугати»да шундай изоҳ бор: «Коннотатив маъно денотатив маънога қўшимча равища экспрессив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг маъно»<sup>1</sup>.

Тилшуносликда маъно кўчиш ҳодисаси ва унинг турлари, масалан, метафора, метонимия, синекдоҳа, вазифадошлиқ кабиларнинг лингвистик хусусиятлари юзасида қўплаб тадқиқотлар бажарилган. Масалан, ўзбек тилшунослигига Т.Алиқулов<sup>2</sup> ҳамда М.Миртоҷиев<sup>3</sup>ларнинг монографик ишлари маъно кўчиши ҳодисасига бағишланган тадқиқотлардир.

Айрим ишларда коннотатив маънонинг синтактик ёки грамматик бирликларга хос эмаслиги айтилади, аммо ўзбек тилшуноси Р.Қўнғуров «Тилшуносликда коннотация ҳодисаси лексик бирликларга хос деган фикрларни учратамиз. Ҳақиқатда эса бу ҳодиса синтактик конструкцияларга ҳам хосдир»<sup>4</sup> деб тушунтиради.

Стереотип бирликларнинг фаол қўлланишидаги асосий омил ҳам улар ташиётган дастлабки маъно эмас, кўчма маънолар эканлиги ойдинлашади. Масалан, *tün udīmadīm*, *küntüz olurmadīm* stereotip бирлиgidаги сўзларнинг маъноларини кўриб чиқайлик:

*Tün* – куннинг бир қисми, қўёш ботганидан анча кейин то тонг отгунича бўлган вақт;

*udīmadīm* – инсоннинг физиологик ҳолатини англатади;

*küntüz* – куннинг қўёш чиққиши ва ботиши оралиғидаги пайт;

*olurmadīm* – инсоннинг физиологик ҳолатини англатади.

Стереотип жумланинг номинатив маъноси инсоннинг тунда ухламаганлиги, кундузи эса дам олмаганлиги англашилади. Матнда эса бундай мазмун қуруқ ахборот тарзида тушунилади, шу боис ўқувчи эътиборини тортмайди.

Жумладаги коннотатив маъно унинг stereotip бирлика айланишига хизмат қилган. Бунда *tün* ва *küntüz* сўзлари узлуксиз вақт, *udīmadīm* ва *olurmadīm* эса ҳаловатсизликни англатишга хизмат қилган. Ушбу ҳаловатсизлик маъносини англатиша жумладаги ҳар бир сўзнинг ўз улуши бор.

Стереотип бирликларда ҳам маъно кўчиши айрим сўзлар асосида юз бермайди, бу бирликлар бутунича, яхлит сўзлар таркибининг барчаси йиғилиб мажозий маънога хизмат қиласди. Айни хусусият фразеологик бирликларда ҳам шундай:

Ҳосила маъно бир сўзнинг муайян лексик маъносидан юзага келади. Агар сўз бирон сўз билан биришиб, бирикма маъносини ҳосил қиласар экан, унинг компонентлари бўлган сўздан ҳосила маъно излаш тўғри бўлмайди. Чунки бирикмада фразеологик маъно бўлиб, у бутун бирикма таркибидаги ҳамма сўзлар учун умумийдир. Улар бутунлигича бир тирик жон ҳисобланади<sup>5</sup>.

Шуниси ҳам борки, stereotip бирлиқдаги лексемаларнинг мавжуд семаларидан айримларининг бирлашви етказилмоқчи, назарда тутилмоқчи бўлган маъно учун хизмат қиласди. Масалан, *tün udīmadīm*, *küntüz olurmadīm* бирлиgidаги сўзлар семаларини кўриб ўтайлик:

1. *Tün* лексемасида «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», «коронғу», «пайт», «ухлаш вақти» (дам олинадиган) семалари мавжуд.

2. *Küntüz* лексемасида «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», сутканинг «ярми», «ёруғ», «пайт», кундалик «машғулот», «вақт» семалари бор.

3. *Udīmadīm* лексемасида «машғулот», «ҳолати», «дам олмаслик» семаларига эга.

<sup>1</sup>Хожиев А. Тилшунослик терминлари лугати. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 51.

<sup>2</sup>Алиқулов Т. Ўзбек тилида полисемантик отлар: филол.фан.номз ... дисс. – Т., 1966.

<sup>3</sup>Миртоҷиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Т.: Фан, 1975; ўша муаллиф. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.

<sup>4</sup>Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980. – Б. 24.

<sup>5</sup>Миртоҷиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtоз so‘z, 2010. – Б. 81.





4. *Olurmadił* лексемасида «машғулот», «холати», «дам олмаслик» семаларидан түзилган.

Сүзлар ўртасидаги семантик боғланиш классема деб юритилади<sup>1</sup>. Шу маънода *udimadim*, *olurmadił* сўзларининг бирикувида ҳам айнан классема иштирок этган. Стереотип бирлиқда «дам олмаслик» семалари боғланиши натижасида кўзда тутилган маъно юзага келади. Бу ўринда *tün* ҳам ўзининг «ухлаш вақти» семаси билан юкоридаги сўзларга классема бўла олади. Шу ўринда *küntüz* сўзининг қайси семаси боғлиқлик ҳосил қиляпти деган, савол туғилади, чунки унда «дам олиш» маъноси йўқ. Буни мантиқан изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлангандек, кундузи турли машғулотлар билан банд бўлинади, ана шулар орасида тин олиниади. Стереотип бирликнинг биринчи компонентида «тунда дам олмаганлик» таъкидланяпти. Физиологик жиҳатлар инсонни тунда дам олмаса, кундузи дам олиши кераклигини тақозо қиласди.

Бундан ташқари *tün* ва *küntüz* сўзлари бирлик шаклида кўплик маъносини ифодалаган ва бу – ўша давр тили учун одатий ҳолат. Натижада, ақлан тасаввур қилиш қийин бўлган «тунлари ҳам, кундуzlари ҳам дам олмаслик» маъноси воқеланган. Ушбу жумлани биз фақат мажозий маънода қабул қила олишимиз мумкин бўлади. Бу маъно эса «бирор мақсад йўлидаги хузур-ҳаловатсиз»ликни англатади.

*Tün* ва *küntüz* сўзлари кетма-кет қўлланиб, «дам олинмайдиган» узлуксиз вақтни англатиши бошқа ифодаларда ҳам учрайди:

*Üyik meni kىcäyür,*  
*Tün-kün turup yىglayu,*  
*Kördi közüm tawraqin,*  
*Yurti qalip aڭlayu.*

Айтмоқдаки: севги менга азоб берадиган, кеча-кундуз йиғлайман; кўзларим унинг ироқлашганини кўрди, кетида юрти [яъни уй-жойи] йиғлаб қолди<sup>2</sup>.

Маъшуқа ҳажрида қийналган ошиқ ўзининг изтиробларини мазкур мисралар орқали баён этмоқда. «*Tün-künturup yىglayu*» жумласидагитün-kün бирикмаси узлуксиз давом этаётган вақтни англатмоқда. Кўпинча, инсон бир нарсанинг уй-ташвишига тушганда, ўз кечинмаларини мазкур бирикма орқали ифодалайди. Шеърда лирик қаҳрамон туну кун (давом этаётган вақт) фақат йиғлайди. Бу бирлик орқали баъзи ўринларда қувончли ҳолатлар ҳам акс эттирилган.

Яна бир мисол:  
*İwriq bašı qazlayu,*  
*Sağraq tolu közläyü,*  
*Saqinç qujë kezläyü,*  
*Tün-kün bilä sewnälüm.*

Айтмоқдаки: Ивриқ [май идиши]нинг боши ғоз кабидир, қорни [май турадиган қисми] кўз (косаси) каби тўлган. Қайгуни унинг тагига қўмайлигу, кеча-кундуз севинайлик<sup>3</sup>.

Дўған Аксан ўз таснифида стереотип бирликлар таркибида *tünlü künlü* (туну кун)ни ҳам келтиради. Изоҳида ҳозирги Туркия туркчасидаги *geceli gündüzlü*, *gece gündüz* бирикмаларини кўрсатади<sup>4</sup>.

Турфондан топилган васиқалар тадқиқида Қ.Содиков мавжуд стереотип бирликларга эътибор қаратади. Стереотиплардаги маъно кўчишини эса қуидагича очиқлайди:

Васиқаларда кечган *örü tayqa*, *qudî quimqa barsar* жумласини кўзда тутадиган бўлсак, бу жумлада «шимол» ва «жануб» тушунчаси йўқ. Ундаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudî*

<sup>1</sup>Бу ҳақда қаранг: Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 14-20.

<sup>2</sup>Махмуд Кошғарий. Девону лугати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиков. – Тошкент: Faafur Fулом, 2017. – Б. 413.

<sup>3</sup>Ўша асар. – Б. 53.

<sup>4</sup>Doğan Aksan. Göktürk yazitlarında söz sanatları güçlü anlatım yolları // Türk dili araştırmaları yıldığı – Belleten. Cilt 38. – İstanbul, 1990. – S. 7.





циит «қуий қум» ифодаси «тўрт томон; ўзи истаган ер» маъносида; «юқори тоққа (борадими), қуий қумга борадими», яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган...

Ушбу мисолимиздаги *öriü tayqa, qudi qiumtqa barsar* бирикмасидаги *öriü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudi qiumt* – «қуий қум», уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадиий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадими), қуий қумга борадими» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун ғайри-одатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадиийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган<sup>1</sup>.

Битигларда қўлланган *tört buluŋ* (тўрт тараф) бирикмаси ўзида бир қанча маънони акс эттиради. Шулардан биринчиси, «кенглик», «бепоёнлик» маъносидир:

*Täjri yarlıqaduq üçün özüm olurtuquma tört buluŋdaqı bodunuğ etdim*

(Мазмуни: Тангри ёрлиқагани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт тарафдаги халқни тартибга солдим) (Xb.9)<sup>2</sup>.

Қ.Содиковнинг ёзишича, эски турклар «тўрт қутб»ни *tört buluŋ* ёки *tört sarı* деб атаганлар. *Tört buluŋ*, *tört sarı* тушунчалари «кенглик», «замин бепоёнлиги»ни ҳам билдирган. Жумладан, бадиий адабиётда эл қаҳрамонларининг чексиз ерларда ҳукмронлик қилгани, уларнинг куч-кудрати айни тушунчалар билан таъриф этилган<sup>3</sup>.

Бу бирикманинг айни маънони ифодаловчи *törttin sijar* шакли ҳам қадимги битигларда мавжуд. Хусусан, «Олтин тусли ёруғ»да Чамбудивип номли мамлакатнинг элиги Махаради шундай таърифланади:

*Törttin sijar yer orunuğ iymış basmiş, öküskä ayatmiş ağırlatmiş, ürük uzatı köni nomça töryüčä başladači, imärigmä qamaq bodunin qarasın aşmişüklitmış, qoptin sijar yağısız yawlaqsız erti.*

(Мазмуни: Дон-дун, мол-мулкка тўла, алпу мерган, кучли черикка эга, тўрт томондаги ерни ўзига бўйсундирган, кўпнинг ҳурматини қозонган, азалдан адолатли сиёsat юритган, бўйсунгандар барча элларнинг халқини кўпайтирган, ён-вери бутунлай ёвсиз-ёвузсиз эди) (A Yar).

*Мазкур бирикманинг иккинчи маъноси – «қўришов»ни англатади:*

*Tört buluŋ qop yağı ermis, sü sülápän tört buluŋdaqı bodunuğ qop almış, qop baz qilmış.*

(Мазмуни: Тўрт тараф бутунлай душман экан. Қўшин тортиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай бўйсундирганлар) (K.2).

Айни иллюстратив мисолда *tört buluŋ* (тўрт тараф)нинг икки маънода қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан, дастлабки қисмда –*tört buluŋ qop yağı ermis* қуршовда қолган халқ тасвирида қўлланган бўлса, *sü sülápän tört buluŋdaqı bodunuğ qop almış* жумласида эса бу бирлик «чексиз ер»ни назарда тутмоқда.

Ушбу бирлик «билим», «тажриба» маъносини ҳам англатади. Бу маъно «Хуастуанифт»нинг эски туркча версиясида келади:

1. .... [bošu]ǵalı (?) y(a)ruqu[ǵ]
2. .... [t]ägzinür : tört buluŋ[uğ]
3. .... [bi]lmätin kün ay t(ä)ñrikä iki
4. .... [t(ä)ñr]ilärkä näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär
5. .... [t(ä)ñri] tipän kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär :
6. .... [çul]vu saw sözläd(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kün ay

<sup>1</sup> Содиков Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 316.

<sup>2</sup> Ушбу мақолада куйидаги қисқартмалар қабул қилинди: *K* – Кул тигин битиги; *Ka* – кичик битиг, *Kb* – улуғ битиг, *K.I–III*, *Kc* – тошнинг тарошланган кирралари ва терс томонидаги ёзув; *X* – Билга хоқон битиги; *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa*, *Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X.I–II* – тарошланган кирралардаги ёзув; *Ton* – Тўньюқуқ битиги; *A Yar* – Олтин тусли ёруғ (Содиков Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009);

<sup>3</sup> Содиков Қ. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009. – Б. 232.



7. .... [är]ksizin tuğar batar ärki ...  
 8. .... [ärs]är : k(ä)ntü özümüzni küntä ayda  
 9. [öji]biz tidim(i)z ärsär : bu ikinti bilmätin yaz(i)nmış ...  
 10. .... M(a)na[star xir]za

(1) ... қутилмоқ учун ёргуни (2) ... эврилур. Тўрт ёқни (3) ... билмайин Кун-ой тангрига, икки (4) ... тангриларга қанча ёзук қилган бўлсак, (5) ... тангри деб топинмаган бўлсак, (6) ... ёлғон сўзларни айтган бўлсак, яна Кун-ой (7) ... эрксиз ҳолда туғар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ... (8) ... эса, ўз-ўзимизни Кундан, Ойдан (9) юқори кўйган бўлсак, бу иккисини билмай, ёзук қилган ... (10) ... Ёзумизни кечиргайсан!) (ХТ).

Tört buluň[uğ] [bi]lmätin (тўрт ёқни билмайин) бирикмасида *tört buluň* бирлигига ишлаб чилинган теварак-атроф, томонлар назарда тутилмаган. У инсоннинг билими, хабардорлиги, тажрибасини англатади. Ҳозирда ҳам ушбу бирликнинг муқобиллари мавжуд. Айни вазиятларни ифодалашда «паст-баландни билиш», «оқ-корани таниш», «увол-савобини тушуниш» тарзидаги бирликлардан фойдаланилади. Алишер Навоий асрлари тилида ҳам мазкур бирикма «ҳар тараф» тарзида учрайди ва «хабардорлик» маъносини ифодалайди:

*Хаёлида кеча-кундуз ул эрди,  
 Тилида кеча-кундуз сўз ул эрди.*

*Вале мавқуф эди мунҳиларига  
 Ки, не келгай алар инҳиларига.*

*Алар ҳам ҳар тарафдинанглабон ҳол,  
 Келибон қилдилар билганни ирсол<sup>1</sup>.*

Ушбу шеърий парчада Хусравнинг куну тун Ширин хаёлида бўлганлиги, лекин (Хусрав) хабарчиларига нималар маълумлигини, улар қандай хабар келтиришини билмас эди. Ўша хабарчилар турли тарафдан маълумотлар йифиб, шоҳга маълум қилишади.

Қўйидаги мисолда ҳам айни маъно кузатилади:  
*Ҳар тарафдинки сўз суол этти,  
 Посухи ани гунгу лол этти<sup>2</sup>.*

Юқорида биз кўрган маъно кўчиш ҳолатлари стереотип бирликларда полисемия –кўп маънолилик шаклланишини таъминлаган. Зоро, полисемия фақат маъно тараққиёти, маъно кўчиши натижасида юзага келади.

Тўньюқуқ битигида шундай жумла бор:  
*Ar qoy, aq arǵıǵ ulǵartdım, basıńıǵta yaǵıǵ kälürür ärtim, qaǵanıńmın sü ältdimiz, täjri yarlıqazı.*

(Мазмуни: Қўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим. Хоқони билан лашкар тортдик, тангри ёрлиқасин) (Тон, 53).

Битигнинг ўзидан, бошқа тарихий манбалардан Тўньюқуқнинг давлат арбоби эканлиги маълум бўлади. Юқоридаги жумлада эса у қўнғир қўй ва оқ отни боқиб улғайтирганлигини айтади. *Ar qoy, aq arǵıǵ ulǵart-* жумласини ҳам стереотип бирликлар сирасига киритиш мумкин вабунда унинг кўчма маъноси назарда тутилади.

Бу ўринда, кўчма маъно эҳтимоли катта, чунки ушбу жумлагача Тўньюқуқ қилган буюк ишлари, жанглари хусусида сўзлайди. Турк ҳалқи ва хоқони учун қилган меҳнатини эътироф этади. Сўнгра қўнғир қўй ва оқ отни улғайтирганини таъкидлайди. Яъни *ar qoy, aq arǵıǵ ulǵart* ҳам Тўньюқуқ амалга оширган оламшумул ишларидан бири бўлиши лозим. Энди ана шу жумла маъносини очишга ҳаракат қиласиз:

1. Ушбу жумла ёши улуғ, тажрибали, тадбирли кишининг хизматларига ишора қиласиз. Бу ўринда *ar qoy* – қўнғир қўй ва *aq arǵıǵ* – оқ от символик характерга эга. Яъни Тўньюқуқ ўз тадбиркорлиги билан ҳалқа манфаат етказадиган кишиларни тарбиялаганига ишорадир.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 314.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 10 том. – Т.: Фан, 1992. – Б. 167.



2. Ушбу жумла халқ озиғи ва мудофаасини таъминлаган кишига нисбатан қўлланган. Бу ўринда ҳам *ar qoy* – қўнғир қўй ва *aq arğuş* – оқ от символик характерга эга. *Ar qoy* (қўнғир қўй) орқали халқ озуқасини таъминлаган бўлса, *aq arğuş* (оқ от) билан эса турк элининг мудофааси мустаҳкамланган. Бу улуғ ишларнинг бошида хоқон ва унинг донишманд вазири Тўньюқуқ турган.

«Битигларда «оқ от» ғалаба ва муваффакият рамзи сифатида келади. Кул тигиннинг қайси рангдаги отни миниб жангга кириши алоҳида диққат билан эсланади. У бўз ва тўриқ отни миниб жангга киради, лекин ҳар икки от ҳам ўлади. Аммо оқ отни миниб кирганида от ҳалок бўлмайди, Кул тигин ҳам зафар қозонади<sup>1</sup>.

«Мудофаа» маъносида яна бир жумла учрайди:

*Bu türk bodunqa yaraqlıq yağığ kältilmädim, tögünlüğ atığ yügürtmädim.*

(Мазмуни: Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим) (Т. 54).

Ушбу жумла оғзаки ва ёзма адабиётда учрайдиган «ёвни яқин йўлатмади» каби мудофаа мазмунини ифода этади.

*Toqlıı-böri qatılsun* (кўзи ва бўрилар аралашсин) стереотип бирлигида ҳам кўчма маънодаги сўз бор. Стереотип бирлик сифатида ушбу жумлада икки босқичли маъно кўчишини кузатиш мумкин. Биринчиси – аллегориядир.

*Toqlıı* (кўзи) кўп ҳолларда *беозор, ожиз инсон* рамзи; *böri* (бўри) *абжир, ёвуз, золим, кучли инсон* рамзи ҳисобланади.

Иккинчи босқичда ҳам рамзийлик бор бўлиб, қўй ва бўрининг аралашиб юриши моҳиятдан жамиятда *тенглик,adolat* ўрнатилганини англатишга хизмат қилган:

*Endik kişi tetilsün,*

*El töri yetilsün,*

*Toqlıı-böri qatılsun,*

*Qaňgu yetä sawılsun*

(Мазмуни: Қиличимиз билан қайғуни очайлики, аҳмоқлар эсини топсин, мамлакат (иши) тузалсин, кўзилар ва бўрилар тинч-тотув яшасин, биздан қайғу-ғам кетсин)<sup>2</sup>.

Ушбу парчада қаторма-қатор тинч ваadolатли, фаровон ҳаёт васф қилинган.

Ҳар бир стереотип бирлик образли тафаккур маҳсали сифатида юзага келади. Хусусан, қуйидаги узун жумлани биргина «бўйсундирди» ёки «енгди» сўзи билан алмаштириш мумкин (албатта бу сўзлар мазкур жумла каби эстетик таъсирни бера олмайди):

*Täyri yarlıqadıuq üçün älligig älsirätmis, qağanlığığ qağansıratmıı, yağığ baz qılmıı, tizligig sökürmis, başlığığ yüküntürmis...törüğ qazğanıp aça barmis.*

(Мазмуни: Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни қарам қилган, тиззаси борни чўқтирган, боши борни юкунтирган...хукмронлик қилиб вафот этган) (К. 15).

Ушбу жумла Кул тигин битигининг ўзида бир неча бор қайтарилади, яънижумла турли варианtlарда уч ўринда ишлатилади. Аввалги иккиси ушбу хоқоннинг ота-боболари Истами ва Бумин хоқонлар таърифида келтирилган бўлса, сўнгтиси ўзининг фотиҳлик ва хукмдорлик фаолияти таърифида келган.

Ушбу жумла бешта компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида «енгди», «асир қилди», «банди қилди» маъноси мавжуд. Дастребки иккиси –*älligig älsirätmis* (эли борни элидан айирган), *qağanlığığ qağansıratmıı* (хоқони борни хоқонидан айирган) жумлаларда «эгалик қилмоқ» ва «маҳрум этмоқ» маъноларига асосланган ҳолда ўзига хос ифода яратилган.

Ушбу бирикмалар маъносини тўла англаш учун уларни синчилаб қўриб чиқамиз. *Älligig* сўзи «эли бор, элли одам» маъносини билдиради. Аслида *ällig* от туркумидан ясалган сифатdir, яъни қадимги туркий тилда биз юқорида кўраётган компонентлар таркибидаги -

<sup>1</sup>Рахмонов Н. Култегин ёдгорлигининг поэтикаси / Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 223.

<sup>2</sup>Махмуд Кошгариј. Девону лугати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиков. – Б. 55.





*līq*, *-līğ*, *-lik*, *-lig* / *-luq*, *-luğ*, *-lük*, *-lüg* аффикси отдан сифат ясовчи қўшимчадир. Бирикма таркибида эса ушбу сифат отлашган. Таркибдаги *-ğ*, *-g* (-*iğ*, *-ig* / -*uğ*, *-üg*) эса қадимги туркий тилдаги тушум келишиги қўшимчасидир<sup>1</sup>, яъни, *äl* (от), *ällig* (сифат яъни, элли), *älligig* (от).

*Älsirätmis* феълнинг сифатдош шакли бўлиб, таркибдаги *-sîra*, *-sirä* аффикси «исташ», «зор бўлиш» маъносини берувчи феъл ясади. Таркибдаги *-at*, *-ät* орттирма нисбат феълини ясовчи қўшимчаси; *-mîs*, *-mis* сифатдош ясовчи қўшимча. Ушбу қўшимча, айни пайтда, ўтган замонни англатишга ҳам хизмат қиласди.

*Älligig älsirätmis* бирикмаси дастлаб «элли одамни элига зор қилди, элидан айирди» маъносини беради. Юқоридаги таҳлилни *qağanlığığ qağansıratmîs* жумласига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Ҳар бир компонентда (*yağığ baz qilmîs*дан ташқари) маъно қўчиш ҳодисаси кузатилади. Қуйида бериладиган икки жумладаги маъно қўчишини ҳам икки босқичли дейиш мумкин.

*Tizligig sökürmîs* (тиззаси борни чўқтирган), *başlığığ yüküntürmîs* (боши борни юкунтирган) жумлаларидаги *tizligig*, *başlığığ* сўзларида синекдоха усули билан маъно қўчган. Яъни *tizli* (тиззаси бор) ва *başlı* (боши бор) инсонтана аъзолари номи орқали инсон англатилипти, қисм орқали бутун тушунилмоқда. Компонентларда дастлабки босқичдаги маъно қўчиш ҳодисаси айни сўзлардаги маъно қўчишини қамраб олади. Иккинчи босқичда эса синтактик бирлик ҳолатида маъно қўчади. *Tizligig sökürmîs* (тиззаси борни чўқтирган); *başlığığ yüküntürmîs* (боши борни юкунтирган) – банди қилмоқ.

Умуман олганда, стереотип бирлик таркибидаги ушбу икки компонентни фразеологизм сифатида қабул қилиш лозим, чунки айни компонентларда маънонинг қайта шаклланиши кузатилади. Бу ҳодиса транспозиция термини билан изоҳланади.

*Стереотип бирликлардаги ушбу ҳолат фразеологизмлардаги мавжуд транспозиция ҳолатига ўхшиайдир.*

Транспозиция дейилганда, тил элементларининг ўзига хос бўлмаган вазифа ва маънода қўлланиши назарда тутилади. Транспозицияда эркин боғланма ёки гапнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайдиган фразеологик маъно юзага келади. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг аксарияти транспозиция асосида юзага келади. Масалан, «пешанасини силамоқ» бирикмаси икки маънода қўлланилади. Биринчидан, бирикмани ташкил этган «пешанасини» ва «силамоқ» лексемалари ўз маъно мустақиллигини сақлаган ҳолда бир-бiri билан боғланниб келади ва компонентларнинг маъно йигиндисини ифода этади. Иккинчидан, «пешанасини силамоқ» – ғамхўрлик қилмоқ маъносига ҳам қўлланади. Бунда «пешанаси» ва «силамоқ» лексемалари ўз маъно мустақиллигини сақламайди, чунки улар «компонентларининг оддий йигиндиси бўлмай, умумлашма, устами маъно, шу билан бирга, кўчма маъно сифатида гавдаланади»<sup>2</sup>.

Таъкидлаш керакки, қайта шаклланган ушбу маъно дастлабки эркин бирикмадаги маънодан у қадар узоқлашмаган. «Асир олиш» образли тасаввурда айни тасвирдаги ҳолатда намоён бўлади: *Tizligig sökürmîs* (тиззаси борни чўқтирган); *başlığığ yüküntürmîs* (боши борни юкунтирган). Яъни асир олинган халқ ёки инсон тиз чўккан ва боши эгик ҳолда гавдаланади.

Юқоридагиларни ҳозирги кунда ўзбек тилида қўлланадиган «тиз чўқтирди», «бош эгдирди» каби фразеологизмларга қиёс қилсан, орада ўтган бир неча юз йилликлар тилнинг ифода принципларини ўзгартирмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумлада ўзига хос лексик-грамматик градация бор. Ифодалиликни аста-секин кучайтириб ёки пасайтириб боришдан иборат бу усулдан таркибида уюшган компонентлари мавжуд бўлган синтактик конструкцияларда фойдаланилади. Жумлада лексик-грамматик градацияга мувофиқ интонация ҳам аста-секин кўтарила боради ва кулминацион нуқтага етади.

<sup>1</sup>Бу ҳақда қаранг: Содиков К. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009.

<sup>2</sup>Маматов А. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 1999. – Б. 40.



Градацияда мазмун ва функцияси жиҳатидан ўзаро яқин бўлган нутқ бирликларининг юшиб келиши кузатилади, бунинг натижасида фикр тадрижий ривожлантирилади. Градациядан кўпинча поэтик нутқ кўринишларида фойдаланилади<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган стереотип бирлик беш компонентининг ҳар бири бир маъно теварагида юшиб келади. Улар бир умумий маънони таъкидлашга ва таъсирни кучайтиришга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, стереотип бирликларда маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади. Уларнинг қадимги туркий матнларда фаол қўлланишининг сабаби айни тип бирликлардаги номинатив маъно эмас, кўчма маъно билан боғлиқдир. Айрим стереотип бирликларда эса кўп маънолилик ҳам учрайди. Стереотип бирликларда маъно кўчишининг рамз, аллегория, синекдоха каби турлари мавжуд.

---

<sup>1</sup>Мамажонов А. Кўшма гап стилистикаси. – Т.: Фан, 1990. – Б. 42.

